

# Turkiston

1925-yildan chiqa  
boshlagan

«Kamolot» yoshlari ijtimoiy harakati  
Markaziy Kengashining nashri

[www.turkiston.uz](http://www.turkiston.uz)

2013-yil 30-noyabr, shanba  
№ 94 (15732)



## Обод юртим, ифтихоримсан

Шинам, дид билан, намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган уйларда яшашнинг ўзгача завқи бор. Замонавий, кўркам ва барча шароитларга эга уйда яшашни анчадан бўён орзу қиласдим. Чунки авваллари бундай уйлар фақат шахарлардагина бўларди-да. Энди эса юртимизнинг барча шаҳару қишлоқларида шундай кўркам, шинам ва қулай уйларни учрашиш мумкин. Президентимиз ташаббуси билан намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган бундай уйларни кўриб, очиги, кўзингиз қувнаб, баҳри дилингиз очилади. Улар обод ва фаровон юртимизга янада безак бериб турибди.

Кейинги йилларда биз яшаётган Сурхондарё вилояти ҳам обод ва кўркам қиёфа касб этиб бормоқда. Воҳамиизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқдаки, бу халқимиз турмуш даражасининг яхшиланиб бораётганилигидан дарак беради.

Тўрт нафар фарзандимиз бор. Ўзим Музработ туманидаги 3-«Қалдирғоч» мактабгача таълим муассасасида хизмат қилиб келяпман.

Муассасамизда маҳалладошларимизнинг юздан ортиқ фарзанди тарбияланади. Болаларни табиатан жуда яхши кўраман. Боланинг қалби оппоқ кордек беғубор бўлади. Муассасамиздаги ҳар бир болани ўз фарзандимдек кўраман, тарбиячи ҳамкасларимиздан ҳам шуни талаб қиласман. Чунки меҳр кўрган боланинг қалби эзгуликларга тўла бўлади. Дунёни фақат гўзал рангларда кўрадиган жажжи қалбларни асраш, уларга гўзалликка ошуфталикни сингдириш бизнинг шарафли бурчимиз. Ёшлар келажагимиз давомчилари экан, уларни болалигидан яхши тарбияламогимиз лозим. Шундагина улардан яхши натижаларни кутишга ҳаклимиш.

2013 йилни Юртбошимиз «Обод турмуш йили» деб эълон қилганларида жуда курсанд бўлгандим. Бу йил мен ва оиласиз учун қўшалоқ қувонч ҳадя этди, омадли йил бўлди. Негаки, бу йил оиласиз билан намунавий лойиҳалар асосида курилган янги уйга кўчиб ўтиш баҳтига муяссар бўлдик. Ўзим эса «Халқ таълими аълочиси» сифатида эътироф этилдим. Бундай ишонч ва рағбат менга катта масъулият юклайди. Бу ишончни оқлаш учун ҳаракат қиласман.

Инсон манфаатлари олий қадрият хисобланган шундай гўзал, обод юртда яшаш, меҳнат қилиш барчамизда фаҳр ва ифтихор туйғусини уйғотади. Янада яхши ишлашга, эл-юртга хизмат қилишга куч бағишлайди.

**Назира ДАВРОНОВА,**  
Сурхондарё вилояти Музработ  
туманидаги 3-«Қалдирғоч»  
мактабгача таълим  
муассасаси мудираси



► 4-, 5-бетларга қаранг

Сардор Мулажонов фотоколажи

## ШХТ ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИННИГ МАЖЛИСИ

Тошкент шаҳрида 29 ноябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг ўн иккинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлис Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев, Қозогистон Республикаси Бош вазири Серик Аҳметов, Хитой Ҳалқ Республикаси давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцян, Қирғизистон Республикаси Бош вазири Жонтўра Сотиболдиев, Россия Федерацияси ҳукумати Раиси Дмитрий Медведев ва Тоҷикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода нинг тор доирадаги учрашви билан бошланди. Музкарада ШХТ Бош котиби Дмитрий Мезенцев ва ШХТ Минтақавий аксилттерор тузилмаси Ижроия кўмитаси директори Чжан Синъфэн ҳам иштирок этди.

Руҳида ўтган мулоқот чоғида ШХТ фаолияти изчил ривожланиб бораётгани, аъзо давлатлар ўртасида 2007 йилда имзоланган Узок муддатли яхши кўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома бунда мухим ҳукуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

ШХТ қисқа муддатда жадал ривожланиб, нуфузли ҳалқаро ташкилотга айланди. Унинг ҳалқаро майдондаги мавқеи йил сайин ортиб, ташкилотга аъзо бўлиш истагини билдирган давлатлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

ШХТнинг асосий мақсад ва вазифалари аъзо мамлакатлар ўртасида ўзаро ҳукуматлар олдига қўйилган вазифалар — аъзо давлатлар ўртасида савдо-иктисодий, илмий-техникавий, ижтимо-

тинчлик, ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, иқтисодиёт, фан-техника, таълим, маданият, энергетика, транспорт, экология каби соҳаларда самарали ҳамкорликни йўлга кўйиш ва ривожлантиришдан иборат.

Ўтган йиллар мобайнида ШХТ ҳудудида замонавий ҳавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашиш соҳасидаги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, ШХТга аъзо давлатлар ва, умуман, бутун минтақани барқарор иқтисодий ривожлантиришни таъминлаш, ижтимоий-маданий соҳада ҳамкорликни кенгайтириш учун мухим шартномавий-ҳукуқий асос яратилди.

Ҳукумат раҳбарлари кенгаши иштирокчилари ШХТ давлат раҳбарлари кенгашининг сўнгги мажлисида ҳукуматлар олдига қўйилган вазифалар — аъзо давлатлар ўртасида савдо-иктисодий, илмий-техникавий, ижтимо-

ий-маданий, гуманитар ҳамда транспорт соҳаларидағи алоқаларни ривожлантиришга доир қенг кўламдағи масалаларни кўриб чиқдилар.

Ҳукумат раҳбарлари ШХТга аъзо давлатларнинг кўп томонлама савдо-иктисодий ҳамкорлик дастури ҳамда 2012-2016 йилларда ШХТ доирасида лойиҳавий фаолиятни янада ривожлантириш тадбирлари режасининг ижросини кўриб чиқдилар. Таъкидлаш жоизки, ташки иқтисодий ва ташки савдо маҳкамалари раҳбарларининг жорий йил 23 октябрь куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган кенгашида иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида мазкур дастур ва тадбирлар режасини бажариш бўйича келишиб олинган эди.

(Давоми 2-саҳифада)

# ШХТ ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИННИГ МАЖЛИСИ

(Давоми, аввали  
1-саҳифада)

Кенгашнинг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида ШХТ Ишбилиармонлар кенгаши бошқаруви ва ШХТ Банкларро бирлашмаси кенгаши раслари, кузатувчи давлатлар вакиллари — Афғонистон Ислом Республикаси иккинчи вице-президенти М.Халилий, Хиндистон Республикаси ташки ишлар вазирининг биринчи ўринбосари С.Сингх, Эрон Ислом Республикаси саноат, конлар ва савдо вазири М.Неъматзода, Мўғулестон Баш вазирининг ўринбосари Д.Тэрбишдагва, Покистон Ислом Республикаси Баш вазирининг миллий хавфсизлик ва ташки ишлар бўйича маслаҳатчиси С.Азиз, шунингдек, ҳамкор халқаро ташкилотлар вакиллари — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Баш котиби ўринбосари — БМТ ЭСКАТО ижрочи котиби Н.Хейзэр, МДХ Ижроия қўмитаси раиси — ижрочи котиби С.Лебедев, АСЕАН Баш котиби ўринбосари Н.Линь катнашди.

Мажлис иштирокчилари ШХТ Ишбилиармонлар кенгаши ва Банклараро бирлашмаси фаолиятига оид ахборотларни тинглаб, уларнинг фаолиятини ижобий баҳоладилар. Ушбу тузилмаларга Ташкилот доирасида ШХТ худудида барқарор ижтимоий-иктисодий ривожланниши таъминлаш борасида, хусусан, макроиктисодий ва молиявий барқарорликни таъминлаш, иктиносидиётнинг юқори технологик тармоқларини жадал ривожлантириш, саноат инфраструктуранин модерниза-

циялаш, сармоявий лойиҳаларни молиялаштириш механизмиларини такомиллаштириш, ШХТга аъзо давлатларнинг ишбилиармон доиралари ва молиявий тузилмалари ўртасида бевосита алоқаларни ўрнатиш орқали амалий кўмак беришга йўналтирилган лойиҳавий фаолиятни ривожлантириш бўйича ўзаро алоқаларни фаоллаштиришни тавсия этдилар.

Аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш, бандликни таъминлаш, айниқса, ёшлар ўртасида бандликни ошириш масалаларини ҳал этиш мухимлиги, бунда меҳнат, бандлик ва ижтимоий соҳалардаги чора-тадбирларни мувозанлашган иктиносидий ва молиявий сиёсат билан ўйғунлиқда олиб бориш лозимлиги қайд этилди.

Ҳукумат раҳбарлари ШХТга аъзо давлатлар жаҳон иктиносидиётни барқарор ўсиш суръатларига эришишидан манфаатдор эканлигини таъкидладилар.

ШХТга аъзо давлатлар ўз мамлакатлари ижтимоий-иктисодий хаётини янада ривожлантириш, иктиносидиётни соҳадаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва юқорида қайд этилган масалаларни ҳал этиш бўйича ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш орқали ушбу мақсадларга эришишга ўз хиссасини қўшаёттир.

Ҳукумат раҳбарлари ШХТга аъзо давлатлар ишбилиармон доираларининг юқори технологияли ва инновацион қўшма ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, иктиносидиётнинг инфраструктура, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги, туризм каби мухим тармоқларида лойиҳаларни

амалга ошириш, кўргазма-ярмарка фаолияти ва мультимодал транспорт-логистика комплексларини ривожлантиришга қаратилган амалий ташабbusларини маъқуллади.

Ҳукумат раҳбарлари ШХТга аъзо барча давлатларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, минтақавий савдо-иктисодий ва инвестиция ҳамкорлигини чукурлаштириш, жаҳон иктиносидиётидаги минтақанинг аҳамиятини оширишга қаратилган мулокотни кучайтириш ва молия-банк ҳамкорлигини кенгайтириш зарурлигини таъкидлади. Шу нуқта назардан, Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг ушбу мажлисида ШХТ Тараққёт банки ва ШХТ Тараққёт жамғармасини ташкил этиш борасидаги ишларни давом эттириш юзасидан қабул қилинган қарор мухим аҳамиятга эга.

Мажлисида транспорт ва халқаро транспорт йўлакларини ривожлантириш соҳасида кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш устувор аҳамият касб этиши тасдиқланди. ШХТга аъзо давлатларнинг транспорт соҳасидаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш тўғрисида қўшма баёнот қабул қилинди. Бу минтақадаги мавжуд транзит имкониятларидан самарали фойдаланиш, транспорт инфратузилмасини жадал ривожлантириш, юқ ташиш ҳажмини кўпайтириш учун кулай шарт-шароитлар яратиш хисобидан ШХТ маконида товарлар айланиши ва инвестиция фаоллигини ошириш имконини беради.

Ҳаво, автомобиль ва темир йўл қатнови, қурилиш ва мультимодал транспорт-логистика

комплексларидан самарали фойдаланиш соҳасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш мухимлиги таъкидланди.

Шу муносабат билан мажлисида ШХТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида халқаро автомобиль ташишлар учун куляй шароит яратиш тўғрисидаги битимни тезроқ имзолаш зарурлиги ва бу автомобилда юқ ташиш соҳасидаги ўзаро манбаатли ҳамкорликнинг ишончли ҳукуқий асоси бўлиши қайд этилди.

ШХТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида қишлоқ ҳужжалиги ва соглиқни сақлаш соҳаларида ҳамкорликка оид битимларни амалга ошириш бўйича кўп томонлама алоқаларни чукурлаштириш мухимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу жиҳатдан Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мазкур мажлиси доирасида имзолangan ШХТга аъзо давлатлар худудида юкумли касалликлар натижасида вуждуга келадиган эпидемиологик вазият ҳақида ахборот алмасиши дастури мухим аҳамиятга эга.

Шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маданият, таълим, спорт, туризм, фан ва техника соҳаларида ҳамкорликни янада ривожлантириш, мамлакатларнинг бой тарихий-маданий меросини тарғиб этиш мақсадида минтақанинг сайёхлик салоҳиятидан янада тўлароқ фойдаланишга оид алоқаларни ривожлантириш бўйича ишларни давом эттиришга келишиб олинди. Бу ШХТ худудида истиқомат қилаётган халқлар ўртасида яхши

қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга, уларнинг манбаатлари йўлида маданиятларо мулокотни фаоллаштиришга хизмат қиласди.

Мажлисида ШХТ Котибиятнинг Ташкилотга аъзо давлатларнинг кўп томонлама савдо-иктисодий ҳамкорлиги дастурини амалга ошириш жараёнига доир ҳисоботи маъқулланди, унинг 2014 йилги бюджети тасдиқланди. ШХТнинг доимий фаолият юритувчи органларининг молиявий ва ташкили ғаолиятига оид қатор масалалар бўйича қарорлар қабул қилинди.

ШХТга аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг ўн иккинчи мажлиси якунлари бўйича Кўшма коммюнике имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашуда мажлиси самарали бўлгани, имзолangan ҳужжатлар ШХТ мамлакатлари ўртасида гибадати амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Ҳукумат раҳбарлари ШХТга аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мажлиси юксак савида ташкил қилинган эътироф этиб, Узбекистон томонига самимий меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирилар.

Шанҳай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси 2014 йилда Қозогистон Республикасида ўтказилади.

**Нодира МАНЗУРОВА,  
ЎЗА махсус мухбири**

## Бедаво дард енгиб қўймасин

Бугун дунёда 34 миллиондан ортиқ инсон орттирилган иммунитет танқислиги синдроми — ОИТС билан яшайди. Касалликни қўзғатувчи одам иммунитет танқислиги вирусини ҳар куни етти минг нафар, ҳар соатда эса уч юз нафар киши юқтириб оляпти. Ачинарлиси, улар орасида болалар ва гўдаклар ҳам бор.

ОИТС — бедаво хасталик. Ҳозиргача унга қарши на бирор вакцина, на бошқа даво чораси тоғилган. Курбонлар сони эса йил сайин ортиб бормоқда. Касалликнинг бутун ер юзида тарқалгани у билан курашишда янам яқпроқ кучларни сафарбар этиш, саъй-ҳаракатларни бирлаштириши тақозо этмоқда.

Ҳарқалай, ОИТС факат касаллик эмас. У неча минглаб инсонларнинг ҳаёти, фаровон турмуши ва осойиштаги, асосийси, келажак авлоднинг соғлом ва баркамол бўлишига раҳна солувчи иллатdir. Шу боис айни чоғда ОИТСга қарши кураш соғлом генофонд учун кураш сифатида.

Соғлом зурриёд соғлом ота-онадан дунёга келади. Афсуски, ОИТС

билан касалланиш ҳолатларига доир амалдаги статистика жуда хавотирли. Гап фақат беморлар салмоғининг кўпайиб бораётганида эмас. Кейинги пайтларда касаллик эркаклар ва аёллар орасида бир хил тарқалмоқда. Агар 2005 йилда одам иммунитет танқислиги вируси (ОИВ)ни юқтириганларнинг 78 фойзини эркаклар ташкил қилган бўлса, ҳозир уларнинг тенг ярми аёллардир.

Ўзбекистонда ҳар йили ўн-ўн иккитагача ОИТСга чалиниш ҳолати қайд этилмоқда. Охирги тахлиллар ўсиш тенденцияси нафакат юртимиз, жаҳонда ҳам сақланиб қолётганидан далолат беради. Мамлакатимизда камалоқ бўлуп кўрсатилади.

Сўнгги иккى йил давомида ОИТСга чалинган беморларни эрта аниқлаш, даволаш самарасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ОИВ инфекцияли шахслар учун уларнинг ҳаётини яхшиловчи ретровирусга қарши даволаш чоралари йўлга кўйилган. Ҳозирги кунда 7,8 минг нафардан ортиқ бемор ана шундай даволаш мулажаларини оляпти. Шунингдек, ОИТСга қарши курашиш маркази қошида махсус клиника ишга туширилди. Мазкур шифохона олтмишта ўринга мўлжалланган бўлиб, унда ОИТС билан касалланган беморлар, шу жумладан, болаларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатилади. Бундай ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари МДХ давлатлари ичida фақат Россия ва Украинада мавжуд. Марказий Осиёда эса ҳозирча ягонаидир.

Жорий йилнинг ўтган ўн ойи давомида юртимизда 2,2 миллиондан зиёд аҳоли ОИВ инфекцияига ихтиёрий равишда ташкирувдан ўтди. Таъкидлаш керак, текширувлар сони ортган сийин улар натижасида камалоқ бўлуп кўрсатилади. 2013 йил 23 сентябрда «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси көлтириб чиқаралиган касаллик (ОИВ ин-

фекцияси) тарқалишига қарши кураш тўғрисида» — Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Мазкур қонунда барча ҳомиладор аёллар ОИВ инфекцияига текширилиши шарт экани мустаҳкамлаш кўйилган. Бундай чора ОИТСга чалинган ҳомиладор аёллардан барча ҳомиладор аёллар ОИВ инфекцияига ташкил қилинганни юқиши хавфидан оғизларни қабул қилинди.

ОИТС касаллигига қарши қаратилган профилактик тадбирлардан яна бири аҳоли учун ишонч хоналининг ташкил этилганидир. Республикамиз бўйича улар жами 237 та. Ишонч хоналирида исталган шахс аноним равишида (исми, касб-кори, яшаш манзили, иш ёки ўқиш жойини кўрсатмаган ҳолда) ОИВ инфекцияига тест топшириши мумкин.

Одатда, битта шприцдан фойдаланиб, гиёхванд моддаларни қабул қилувчи инсонларда ОИВ инфекцияини юқтириб олиш хавфи юқоририк бўлади. Айни пайтда ОИТС билан касалланган беморлар, шу жумладан, болаларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатилади. Бундай ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари МДХ давлатлари ичida фақат Россия ва Украинада мавжуд. Марказий Осиёда эса ҳозирча ягонаидир.

Мамлакатимизда ОИВ инфекцияига онадан болала ўтишининг олдини олиш ишларига ҳам катта зиёд аҳоли ОИВ инфекцияига ихтиёрий равишида ташкирувдан ўтди. Таъкидлаш керак, текширувлар сони ортган сийин улар натижасида камалоқ бўлуп кўрсатилади. 2013 йил 23 сентябрда «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси көлтириб чиқаралиган касаллик (ОИВ ин-

**Наргиза УМАРОВА,  
«Turkiston» мухбири**

# Меҳнатдан қадр муносабатлар

«Аждодлар учрашуви: ибратли ҳаёт — эҳтиром ва қадр». Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигига Конституциямизнинг 21 йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбир шундай номланди.

Тадбирда депутатлар, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаоллари, ҳамкор ташкилотлар, Зулфия Номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, 47-халқаро Менделеев олимпиадаси голиблари, иқтидорли ёшлар иштирок этди.

Инсонни эъзозлаш, унинг ҳақ-хукуқларини олий қадрият билиш, шунинг баробарида, миллий қадриятларимизга хос ва мос тарзда яшаш ва бу қадриятларни ёш авлодга муносиб етказиш каби инсон-парварлик ғоялари Конститу-

циямизда алоҳида қайд этилган. Шу тамоилиларга амал қилган ҳолда ташкил этилган мазкур тадбирга ўзининг тажрибаси, ибратли ҳаёти билан бугунги ёш авлодга ҳар томонлама намуна бўладиган, элорта ҳурматига сазовор бўлган онахонлар таклиф этилди.

Шундай бахти бекам онахонлар Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига узоқ йиллар меҳнат қилган Хосият Ёкубжонова, Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари ва ра-

иси лавозимларида ишлаган Муборак Юнусхўжаева, Тошкент давлат техника университети ўқитувчisi Мукаррама Муҳиддинова, Тошкент шаҳридаги 198-мактаб ўқитувчisi Муҳаббат Раҳимовадир. Меҳнат фахрийларининг ўқиб-урганиш, турмушнинг оғир-енгиллига сабр-қонаот, тинимиз муносабати эвазига шу даражага етгани, ҳурмат-эътиборга сазовор бўлгани ҳақидаги ҳикоялар йигилганлар, айниқса, ёшлар учун қимматли совфа бўлди.

Шунингдек, ушбу маърифий кечада иқтидорли қизлар ижросидаги «Менинг азиз китобим» номли композицияда Конституциямизнинг моҳияти, унинг фуқаролар ҳаётидаги ўрни, ёшларга қонунларимиз мазмун-моҳиятини тушунтиришдаги ҳалқчил усуслар, бу-

гунги ютуқлар маҳорат билан очиб берилиб, инсон ҳукуки энг олий қадрият эканлиги ёритиб берилди.

Халқимиз фаровонлиги, маънавиятимиз ривожи учун жонбозлик кўрсатган фахрийларимизга ёш шоиралар — Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ёзган шеърлар, рассом қизлар чизган расмлар кутилмаган ва қимматли совфа бўлди.

— 17 ёшимдан ҳам ўқиб, ҳам ишлаб, ҳам ёшларга етакчилик қилганман. Ҳалиям етакчиман — республика «Нуроний» жамғармасида, — дейди меҳнат фахрийси Хосият ая Ёкубжонова. — Турмуш ўртагим билан 52 йилдан бўён бирбirimizни тушуниб яшаб келяпмиз. Фарзандларни камолга етказдик. Ҳозир улар

эл-юрт хизматида. Бугун бизни эъзозлаб, йўқлаб шундай кеча ўюштирганларингиздан бошимиз осмонга етди. Инсон учун қадр ва эътибордан ортиқроқ баҳт йўқ. Ёшларга тилакларим: имкониятлари кенг ватанинни севишин, ардоқлашсин, унга муносиб фарзанд бўлишишин. Тинч-осойишта ҳаётимизнинг қадрига етишин. Чунки тинчлик ҳукмрон бўлган юртда фаровонлик, одамлар орасида меҳроқибат, қадр-қиммат бўлади.

Бундай хайрли тадбирларнинг ўтказилиши ёшларда пиру бадавлат отахону онахонларимиз ҳаётига ҳавас, улардек бўлишга иштиёқ уйғотиши шубҳасиз.

**Майсара НАЗАРОВА,  
«Turkiston» мухбири**

## Яхшиликка интилган маррага етади

Тошкент архитектура-қурилиш институти қошидаги академик лицейда ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга багишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқшунослар, профилактика инспектори, ўқитувчилар ва ёшлар иштирок этди.

Тадбирда юртимизда тенгдошларимиз камолотига қаратиётган ўтди. Унда ҳуқуқшунослар, профилактика инспектори, ўқитувчилар ва ёшлар иштирок этди.

— Юртимизда ёшларга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилиган. Уларнинг бекаму кўст таълим олиши, илмнинг юксак мэржаларини эгаллаши учун барча шароитлар яратилган. Жумладан, бизнинг академик лицейимиз ҳам барча замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган. Мана шу имкониятлардан тўлақонли фойдаланиш, Ватанимизга муносиб ўғил-қизлар бўлиб камолга етиш юртимиздаги ҳар бир ёшнинг асосий мақсади бўлмоғи керак, — дейди Тошкент архитектура-қурилиш институти қошидаги академик лицей директори, филология фанлари номзоди Fafur Эшмонов. — Ўқув муассасимизда бугунги давра сұхбатига ўхшаш тадбирларни ташкил этишдан мақсад ёшларни эзгуликка ошно этиш, уларни турли иллатлардан, маънавий хуружлардан огоҳ қилиш, шунингдек, жамиятда ўз ўрнига, фаол фуқаролик позициясига эга шахслар бўлиб камолга етишига кўмаклашишдир.

Тадбирда ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимини бойитувчи, фойдали савол-жавоблардан сўнг гиёхвандликнинг аянчли оқибатлари акс эттирилган «Ажал тўри» номли хужжатли фильм намойиш этилди.

**Хайриддин МУРОД,  
«Turkiston» мухбири**

## Ҳуқуқ билимдонларига қўмак

Конституциямиз қабул қилинганинг 21 йиллиги муносабати билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, қатор вазирлик ва ташкилотлар ҳамкорлигига ўтказилаётган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлининг ҳуқуқий кафолати» тарбибот лойиҳаси доирасида Сирдарё вилоятида давра сұхбатлари бўлиб ўтмоқда.

Шундай тадбирлар вилоятдаги Сайхунобод тумани Пахтакор майший хизмат кўрсатиши касб-хунар коллекцияси ва Бахт шаҳар ўғил болалар махсус коллежида ташкил этилди.

Давра сұхбатларида тарбиботчилар Конституциямизнинг яратилиши тарихи, ёшларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган моддалар ҳақида йигилганларга атрофлича тушунча беришди.

— Тадбирларда ўқувчи-ёшлар ўзлари тайёрлаган, ҳуқуқий мавзуга оид саҳна кўринишлари, Конституциямиздан, ўз бурч ва мажбу-

риятларидан хабардорликларини намойиш этишди. Сирдарё вилоятига яна келиш ниятилиз бор, — дейди Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси, тарбибот гурухи аъзоси Фарруҳ Шарипов.

Тадбир ёшларда катта таассурот қолдириш баробарида, уларга эл-юрт, жамият олдидаги бурч ва мажбуриятларини эслатди.

**Элёр ЖЎРАЕВ,  
«Turkiston» мухбири**

## Тўғри тарбия – камолот пойдевори

Холос тумани транспорт касб-хунар коллекцида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамда бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигига ўшлар ўртасида диний ақидапарастлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга багишланган давра сұхбати ўтказилди. Унда туман ҳокимлиги вакиллари, ички ишлар бўлими ходимлари, коллекция ўқитувчилари ва ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чикқанлар ҳар бир йигит-қизнинг келажакда баркамол авлод бўлиб шаклланиши оиласда ота-оналарнинг нечоғли тўғри тарбия беришига, фарзандларининг касб-хунар ўрганишларида жиддий эътибор қаратишига боғлиқ экани хусусида ўринли фикр-мулоҳазаларни билдириши. Шунингдек, бугунги шиддатли глобаллашув жараёнида ёшлар тафаккурини турли ёт иллатлардан асрар-авай-

лаш, уларнинг ҳар хил диний оқимлар ва гурухларга қўшилиб кетишининг олдини олиш учун ҳамма бирдек ҳаракат қилиши зарурлиги таъкидланди.

Кизиқарли давра сұхбати якунидаги ёшлар ўзларини кизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

**Мақсада ЖЎРАҚУЛОВА,  
Сирдарё вилояти**





# ЮКСАК БИЛИМЛИ, ИЗЛАНУВЧАН ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

*Термиз давлат университетида «XXI аср – интеллектуал авлод асри» шиори остида ёш олимлар ва талабаларнинг республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.*

Анжуманинг очилишида республика «Истеъдод» жамғармаси ижрочи директори А.Пардаев, Сурхондарё вилояти ҳокими ўринbosари Ў.Қобилов ва бошқалар мамлакатимизда истеъдодли, юксак интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялаш, уларнинг илмий-ижодий изланишларини қўллаб-қувватлаш Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган сиёсаннинг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлади. Мамлакатимизнинг чекка худудларида ҳам замонавий таълим муассасалари, ахборот-ресурс, ёшлар марказлари, болалар спорти иншоотлари барпо этилиб, жаҳон андозалари даражасида жиҳозланётгани қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридан Давлат бошқаруви академияси, республика «Истеъдод» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигига ташкил этилган анжуман ёш олимлар ва талабаларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш, муносиб рафбатлантиришга йўналтирилган. Ижтимоий-гуманитар, табиий ва аниқ фанлар бўйича ўтика зилаётган ушбу тадбир мамлакатимизда фан ва технологияларни модернизация қилиш самарадорлигини оширишга ёшларни кенг жалб этиш, уларнинг илмий салоҳияти ва иқтидоридан унумли фойдаланиш, замона-

вий ахборот-коммуникация технологияларини пухта ўзлаштирган, мураккаб, кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир, билимли ёш олимларни тарбиялаш, илмий фаолиятни қўллаб-қувватлаш, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

Обод турмуш йилида ўтказилаётган ёшлар анжуманига Термиз давлат университетининг мезбонлик қилишида рамзий маъно бор. Давлатимиз раҳбарининг ташабbusи билан ушбу олий таълим муассасаси тубдан янгиланиб, замонавий усулда жиҳозланди. Кенг ва шинам ўкув бинолари, талабалар уйлари, хизмат кўрсатиш ва сервис шоҳобчалари барпо этилди. 34 таълим йўналиши бўйича бақалавр, 11 таълим йўналишида магистр мутахассислар тайёрланаётган таълим даргоҳида етти мингга яқин талабага тўрт юз эллиқдан зиёд профессор-ўқитувчилар фан сирларини чукур ўргатаётir.

— Бундай замонавий биноларда яратилган шарт-шароит ва қулийклар мамлакатимизда ёшларнинг ҳуққува манфаатларини ҳимоя қилиш, интилишларини қўллаб-қувватлаш, уларни маънавий ва жисмонан соғлом камол топтириш йўлинида кўрсатилаётган фамхўрликнинг ёрқин ифодасидир, — дейди Урганч давлат университети физика-математика факультети учинчи курс талабаси Баҳтиёр Юсупов. — Аудиторияларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва электрон доскалар билан жиҳозлангани, талаба-



Фарход АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган сурат

ларнинг ўқиб-изланиши, ўз салоҳиятини кенг намоён этиши, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғуланиши учун барча шароит яратилгани бизга жуда манзур бўлди.

Илмий-амалий анжуманинг Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Андикон, Бухоро, Гулистон, Урганч, Қарши давлат университетларида бўлиб ўтган ҳудудий босқичларида голиб чиқсан ёш олим ва талабалар Термиз давлат университетида ўз салоҳиятини яна бир бор синовдан ўтказди. Тадбирнинг ижтимоий-гуманитар, табиий ва аниқ фанлар бўйича шўъба ийғилишларида ёш олимлар, илмий тадқиқотчилар, талабалар ўз илмий тадқиқот ишлари ва

илмий мақолалари билан фаол иштирок этди. Уларнинг изланишлари акс этган маърузалар малакали эксперталар томонидан баҳоланди. Экспертларнинг холосасига кўра, ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишида Қорақалпогистон давлат университети илмий тадқиқотчиси Насиба Кутлимуродова, табиий фанлар йўналишида Тошкент врачлар малакасини ошириш институти илмий тадқиқотчиси Мўътабар Йўлдошева ва аниқ фанлар бўйича Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги математика институти ёш олими Расул Тўраевнинг илмий изланишлари биринчи ўринга сазовор бўлди.

— Халқимиз саломатлиги

йўлидаги изланишларим биринчи ўринга сазовор бўлганидан беҳад мамнунман, — дейди Мўътабар Йўлдошева. — Бу ётибор келгусида илмий тадқиқот ишимнинг сифати ва самарадорлигини янада оширади. Биз, ёшларга кўрсатилаётган бундай фамхўрлик учун Президентимиздан миннатдормиз.

Анжуман доирасида меҳмонлар Термиз давлат университети профессор-ўқитувчилари ва талабаларнинг таълим, илм-фан, маданият, спорт ва бошқа соҳаларда эришаётган ютуқлари акс этган кўргазмалар билан танишиб, ўзаро тажриба алмашди.

**Х.МАМАТРАЙМОВ,  
ЎЗА мухбири**



Коғон шаҳар «Камалак» болалар ташкилоти ташабbusи билан ўқувчи-ёшлар орасида китоб ўқиши маданиятини шакллантириш, уларда бадиий адабиётга қизиқиши ўфтотиши, миллий ва ахлоқий, ҳуқуқий тарбияни, бой адабий меросимизга бўлган меҳрни шакллантириш мақсадида шаҳардаги 4-мактабда «Энг яхши китобхон синф» кўриктанлови ўтказилди.

## ЭНГ ЯХШИ ДЎСТ

6-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган ушбу кўрик-танловда иштирокчилар бугунги кунда замонавий ахборот технологиялари мислсиз ривожланган бўлса-да, ўқувчи-ёшларнинг китоб ўқишига интилишлари муносиб даражада эканлигини билдиришди. Шунингдек, саҳна кўринишларида «оммавий маданият» никоби остидаги мафкуравий хуружларга қарши миллий маънавий меросимиз орқали жавоб беришга тайёр эканликларини намоён этишди.

Кўрик-танловда 6-«А» синфнинг «Китобхонлар» ҳамда 6-«Б» синфнинг «Билимдонлар» жамоаси голиб бўлди.

Голиб жамоалар фахрий ёрлиқ, шунингдек, Алишер Навоийнинг «Ҳамса» ҳамда Захирiddин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» китоблари билан тақдирланди.

**Лайло ҲАЙТОВА,  
«Turkiston» мухбири**


## «ҚОНОУН УСТУВОРЛИГИ – ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ»

«Камолот» ЁИХ Фарғона вилюяти кенгаши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишинган тарғибот-ташвиқот лойиҳаси доирасидаги тадбирларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги арафасида Фарғона шаҳрида жойлашган умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар колледжлари, шунингдек, олий ўкув юртларида таҳсил олаётган ёшларнинг Конституцияимиз ҳақидаги назарий билимларини янада мустаҳкамлаш ва амалий кўнгимларини ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ўз ҳуққува манфаатларига ўзишиш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда сиёсий-ҳуқуқий дунёка-

рашларини янада кенгайтириш мақсадида Фарғона шаҳар ҳокимлиги, вилоят ўрта маҳсус, касб-хунар коллежлари ўкувчилари ўртасида «Конституция – баҳтимиз пойдевори» мавзусида расмлар танлови ҳам ташкил этилди. Интеллектуал ўйин ҳамда расмлар танлови голиблари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона шаҳар кенгашининг фахрий ёрликлари ҳамда қимматбахо совғалари билан тақдирланди.

Сўзга чиқсанлар юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро, оила, уларнинг бугунги ҳаёти, эртанинг келажагини, инсон ҳуққува ва эркинликларини таъминлашда Конституцияимизнинг бекиёс ўрни ва аҳамияти ҳақида айтишди.



Тадбир доирасида Фарғона шаҳридаги ўрта маҳсус, касб-хунар коллежи ўкувчилари ўртасида «Конституция билимдонлари» интеллектуал ўйини ташкил этилиб, унда 1-ўринни Фарғона шаҳар 2-тиббиёт коллежининг «Юксалиш», 2-ўринни Фарғона академик лицейининг «Адолат», 3-ўринни Фарғона шаҳар алоқа колледжининг «Фемида» жамоаси кўлга киритди. Фарғона шаҳридаги умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда ўрта маҳсус, касб-хунар коллежлари ўкувчилари ўртасида «Конституция – баҳтимиз пойдевори» мавзусида расмлар танлови ҳам ташкил этилди. Интеллектуал ўйин ҳамда расмлар танлови голиблари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона шаҳар кенгашининг фахрий ёрликлари ҳамда қимматбахо совғалари билан тақдирланди.

**Фанишер МУҚИМОВ,  
«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона шаҳар кенгаши мухбири**

# Шарафли бурч

**Амакимнинг ўғли армияга кетадиган бўлди. Аскарни кузатишга барча қариндошлар бордик. Шунда Турди амаким ўзининг аскарлик паллада-рини хотирлаб гапириб қолди:**

— Бу дориломон кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Шукрки, ўғилларимиз хайриҳох бўлиб армияга кетишияпти. Бизнинг давримизда бундай тантана билан кузатиш у ёқда турсин, қаёққа жўнатилаётганимиз сир сақланиб, бе-

гона юртларга, номаълум жойларга кетганимиз. Отаномиз бизни йиглаб кузатиб, уч йиллаб интизорлик билан кутишган. Фарзандини соғиниб борганларга аскарни ё кўрсатишган, ёки йўқ. Совукларда кимдир ўпкасини, яна кимдир оёғини совуққа олдириб келган. Ўз юртимизда хизмат қилиш биз учун ушамас орзу бўлган.

Бу гапларни эшитиб, қалбимда гурур, ифтихор туйгулари жўш урди.

Чиндан-да, бугун истиқлол берган ҳурлини, озодликни ҳеч қандай неъматга қиёслаб бўлмайди. Ҳарбий соҳа ҳар томонлама билимдодн ҳарбий кадрлар билан тўлдирилиб, моддий-техник жиҳатдан янада мустахкамланди.

лаган пайтида бориб кўриб келиши, ҳатто қасамёд кунлари бу тантанада қатнашиши мумкин. Ота-оналар ўзининг йигитлик бурчини ўтётган ўғлидан хавотир олмайдилар.


Мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг ҳак-хукуқлари конституциявий нормалар асосида кафолатланган. Баш қомусимизда белгилаб кўйилган қоидалар асосида мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ миллий армиямизга катта эътибор қаратилди. Ҳарбий соҳа ҳар томонлама билимдодн ҳарбий кадрлар билан тўлдирилиб, моддий-техник жиҳатдан янада мустахкамланди.

Konstitutsiyaviy huquqimiz

Аскарликни орзу қилмаган йигит бўлмаса керак. Ватан мудофаасига шай, йигитлик бурчини ўтаган ўғлонларни ҳар томонлама кўллаб-куватлаш мақсадида улар учун бир қатор имтиёзлар жорий этилди. Агар йигитлар ҳарбий хизматни намунали ўтасалар, у ерда шартнома асосида қолиб, хизматни давом эттиришлари мумкин. Бундан ташқари, ўзларининг намунали хулқи, интизоми, билими билан сафдошларига ўrnak бўлганлар ҳарбий қисм тавсияномасига биноан олий ўқув юртига ўқишига кириш учун ќўшимча балл олиш имконига эга бўлади.

**Камола Тошпўлатова**

**Фарғона тумани қурилиш-саноат касб-хунар коллежида 596 нафар ўқувчи таълим олади. Туман марказидан олтмиш километр узоқда, Миндон қишлоғида жойлашган мазкур таълим маска-нида ёшларга қирқ нафардан ортиқ устозлар беш йўналиш бўйича касб ва хунар сирлари-ни ўргатишияпти.**



## Назария ва амалиёт уйғулиги

Барча йўналишлар қатори автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш устаси мутахассислиги бўйича таълим оловчи ўқувчилар учун ҳам кенг имкониятлар яратилган. Автомобиль тузилиши, йўл ҳаракати қоидалари, техник хизмат кўрсатиш бўйича устахоналар замон талаблари даражасида жиҳозланган.

— Биз эндиғина автомобиль тузилиши, ишлаш тизими, йўл ҳаракати қоидалари бўйича бошлангич тушунчаларга эга бўляпмиз, — дейи-

ди шу йўналиш ўқувчиси Бекзод Собиржонов. — Устахоналардаги ўқув жиҳозлари, устозларимизнинг назарий дарслар билан амалий машгулотларни бир пайтда олиб бораётгани фанларга бўлган қизиқишилизни оширияпти. Мавзуларни яхши тушуняпмиз.

Ўқув юртида илгор педагогик технологияларни жорий этиш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширияпти. Махсус фан ўқитувчилари Баҳриддин Аҳмедов ва Дилноза Абдусаломова, тарих

фани бўйича Шаҳло Абдуллаева, она тили ва адабиёт ўқитувчиси Зулфия Мирзажонова каби устозларнинг янги усуулларда олиб бораётган машгулотлари бошқаларга намуна бўляпти.

**Нодиржон ЮСУПОВ, «Turkiston» мухбери.**

**СУРАТДА:** Автомобиль тузилиши фани ўқитувчиси Мавлонжон Мамадалиев ўқувчиларга «Дамас» автомобили двигателининг ишлаш принципини тушунтиряпти.

## Хушёрликни ошириб

**Мамлакатимизда 20 ноябрда бошланган «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги» 20 декабргача давом этади. Ойлик давомида ўтказилиши мўлжалланган тадбирлар, аслида, йил давомида ҳам ўтказиб келинади.**

Чунки ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларининг асосий вазифалари содир бўлиши мумкин бўлган ёнгинларнинг олдини олиш, аҳоли ўтасида кенг кўламли тушунтириш ва тарғибот ишларини кучайтириш орқали ёнгинлардан кўриладиган талофатларни камайти-

ришdir.

Ҳар бир ёнгин ўз-ўзидан эмас, балки инсонларнинг лоқайдлиги, бепарвоглиги, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмасликлари оқибатида содир бўлади. Айниска, болаларнинг назоратсиз қолиши натижасида келиб чиқадиган

хизмати ходимларининг, балки фуқароларнинг ҳам бурчидир. Чиқинди-ларни тўғри келган жойда ёқиб юбориш ёки хазонларни йигиб ўт кўйиш, сигарета қолдиқларини ташлаб кетиш кутилмаган ёнгинларни келтириб чиқаради. Хушёрликни ошириш, атроф-муҳитга эътиборли бўлиш кутилмаган талофатларнинг олдини олади.

**Мурабек БЕКБАУМ, Дониёр АВАЗОВ, Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби ўқитувчилари**

Konstitutsiyaviy huquqimiz

Turkiston

7



## Жазосини олади

Чилилик ўн тўқиз ёшли фуқаро Шекспир Моцарт Армстронг Корреа Перес исм-фамилиясидан кулганларни судга берди.

Воқеа йигит президент сайловларида иштирок этиш учун маҳаллий сайлов участкасига ўз паспортини тақдим этганда содир бўлган. Сайлов комиссияси аъзоларидан бири унинг паспортини суратга олиб, «Facebook» ижтимоий тармоғидаги ўз саҳифасига жойлаштиради. Йигирма ёшли Энри Элиас Хадуэнинг саҳифасидаги расм ўн дақиқада кулги ва камситишларга бой шархларга тўлиб кетди. У расмни ўчириб юрганида аллақачон кеч бўлган эди. Суратни ижтимоий сайт фойдаланувчилари кўчириб олиб, бошқа сайтларга ҳам жойлаштириб улгурганди. Айборд айбини тан олиб, узр сўраган бўлса-да, Шекспир Моцарт Армстронг сайлов комиссиясини судга беришини маълум қилди.

## Қоплондек айик

Австрияда туғилган панда айиғига «Бахтли қоплон» деб лақаб қўйилди. Панда айиқдари «Қизил китоб»га киритилган ва уларнинг тутқунликда кўпайиши жуда қийин.

Шу туфайли Венадаги «Шенбронн» ҳайвонот боғида панданинг туғилиши ҳақиқий шов-шувга сабаб бўлди. Ҳайвонот боғи Хитой билан ҳамкорликда ишлагани сабабли пандага, хитой удумларига мувофиқ, туғилганидан ўз кун ўтиб Фу Бао («бахтли қоплон») номи кўйилди. Ҳайвонот боғи маъмурити сўзларига кўра, қоплон куч, мардлик ва матонат рамзи саналади. Пандалар Европада факат «Шенбронн» ҳайвонот боғида бўқилади. Минтақадаги охирги панда ҳам 2007 йилда айнан шу ерда туғилган, унга «Бахтли йўлбарс» лақаби берилган эди.

## Янги йилга янги қарор

Германия йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари ҳайдовчиларга машинада янги йил арчаларини ташишни тақиқлади.

Арча ингичка ва узун бўлгани сабабли қанчалик яхши боғланса ҳам хавфлилик дарражаси камаймайди. Автомобиль тўхтаганда арча олдинга чиқиб кетади. Буни германиялик мутахассислар краш тестлар орқали ҳам кўрсатиб бердилар. Арча олдинга чиқиб кетганда, автомобиль олдидағи машинанинг орқа ойнасидан кириб кетиш хавфи пайдо бўлади. Бу эса олдиндаги машина салонидаги йўловчилар ҳаётига жиддий хавф солади. Краш тестнинг натижаси видеога олиниб, «Youtube» сайтига ҳам жойлаштирилди.

## Совуқ тадбиркор

Исми ошкор этилмаётган бизнесмен хусусий қабристон ташкил қилди.

Тадбиркор Пекиндан катта ер майдонини сотиб олиб, у ерга яқин жойда турадиган тирик одамларнинг исм-фамилияси ёзилган тошларни кўйиб чиқди. Дағн учин ҳар битта жойни ўн минг АҚШ долларига баҳолади. Айни пайдада қабристонда нечта қабр жойлаштирилгани ва тошларнинг тирик эгаларидан рухсат олинганми-йўқми, маълум эмас. Ҳозирда ҳукумат бундай кутилмаган қабристонни ёпиш-емаслик ҳақида бош қотирмокда.

Интернет манбалари асосида  
Жавохир КАРОМАТОВ тайёрлади



## «ОБУНА – 2014»

*Азиз тенгдошлар! Севилии «Turkiston» газетасынан сиз билан 2014 йилда ҳам ҳамсүхбат, ҳамроҳ бўлишини мақсад қилин.*

### «TURKISTON» САХИФАЛАРИДА:

«Камолот» ҳудудида, мамлакатимизда, ёшлар ҳаётида, бутун оламда рўй берадиган қизиқарли воқеалар тафсилоти, долзарб мавзудаги мақолалар, теша тегмаган гаплар, оригинал лавҳалар, ажабтовор фотоловҳалар, «Шакарханда», «Бешинчи пар», «Амалиётчи», «Талаба», «Табиатнома» сингари сахифалар, «Ёш ихтирочи», «Сенинг тенгдошинг», «Санъат», «Спорт», «Меридиан бўйлаб», «Калейдоскоп» каби рукнлар.

### ЙИЛ ДАВОМИДА БИЗГА ЙЎЛДОШ БЎЛИНГ!

**ОБУНА ИНДЕКСИ: 203**

**ИМТИЁЗЛИ ОБУНА УЧУН — 3203**

(Изоҳ: камида 9 ойга обуна бўлганлар учун 25 фоиз чегирма мавжуд)



## Спортчилар оиласими!

Пойтахтимиздаги «Кушбеги» спорт мажмуасида «Софлом оила — соглом келажак» оиласиий спорт ўйинлари мусобақасининг мамлакат босқичи ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари ҳамда Халқ таълими вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган мусобақада республикамизнинг 14 ҳудудидан 14 жамоа иштирок этди.

Оиласиий спорт ўйинларида жамоалар югуриш, арқон тортиш, акробатлик, нишонга отиш эстафетаси, ким чақон ва мерган, моҳир ўқотар, чақон она ва эпчил қиз шартлари бўйича куч синашилди. Мусобақада Тошкент вилоятида яшовчи Комилжон Юсупов оиласи биринчи ўринни эгаллади.



Тадбир давомида жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишини кундалик турмуш тарзига сингдириш, спорт машқлари ва турли ўйинларга қизиқтириш каби тоғоялар илгари сурилди.

**Сардор МУЛЛАЖОНОВ**  
фотоловҳаси



Тонгги шабнам	→			↔			↔		↔	...	...	...	...	...	...	...
Мева уруғи	Лола, бинафша	Бош-оғриқ		Үғил бола исми		Буюм-нинг-чети, зих				...	...	...	...	...	...	...
			↓			Телеканал номи	→			Жағ, чакак						
Бирдан, куттилмаганда		Цээдун (сийесий арбоб)	→			Хиндисондаги саҳро	→			Вилоят қисми		Дезодорант тури		Танга-балиқ		
Минор (обида, Хива)	Ойликдан улувак, бунак	Мусаева («Шахзода»)	→		Буюк иўли	Курилиш ашёси	Вулкон суюқлиги			Тахлил (ручча)	Садоқат	Санок бирлиги				
										Эски пахта	→					
Индулас, дамдуз	Навбат (синоним)			Халиги, анақа	→							Кам, жичча	→			
Иштаха суви	→					Кизлар исми	→					Авиа русум	→			

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов



### МУАССИС:

«КАМОЛОТ»

ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ  
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон Республикаси  
Матбуот ва ахборот агентлигига 2007 йил 19 апрелда № 0242 рақам билан рўйхатдан ўтган.



ISSN 2010-6998

### Бош мұхаррир:

Ашурев Салим Тўраевич

### Таҳир ҳайъати:

Баҳодир Фаниев, Мехриздин Шукуров (бош мұхаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош мұхаррир ўринбосари — «Молодежь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодежь Узбекистана»), Рустам Қосимов

### Навбатчи мұхаррир:

Умарова Наргиза

Баҳодировна

### Сахифаловчи:

Рўзиев  
Зафар  
Хусанович

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сахифаланди.

Манзилимиз: 100083, Тошкент,  
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:  
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69  
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчи, 41.

Индекслар: 203, 3203  
Баҳоси келишилган нарҳда.

Буюртма Г-1143.  
Адади — 8021  
Босишига топшириш вақти — 21.00  
Топширилди — 23.10  
ЎЗА якуни — 22.15

Оғсет усулида босилган.

## Кучлилар сафи кенгайди

Ўзбекистонлик икки нафар паралимпиячи Сочида бўлиб ўтадиган мусобақа ўйнлариниң лицензиясига эга бўлди. Айни пайтда паралимпия мусобақаларида иштирок этадиган спортчиларимиз сони беш нафарга етди.

Тошкентлик сноубордчи Евгений Слепов ва сирдарёлик төф чангичиси Равил Фиёсов Нидерландиядаги мусобақада эришган ижобий натижасига кўра, «Сочи — 2014» паралимпия ўйнлари лицензиясига эга бўлди. Айни пайтда паралимпия мусобақаларида иштирок этадиган спортчиларимиз сони беш нафарга етди. Қолган спортчиларимиздан фигурали учиш бўйича Миша Ге, төф чангичилари Артём Воронов ва Ксения Григорьевна аввалроқ ўйлана ма эгаси бўлган эдилар.

## Мусобақа бошланди

Айни кунларда пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуасида таэквон-донинг WTF «кёргуи» йўналиши бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилмоқда.

Ўсмирлар ўтасида ўтказилаётган мазкур мусобақада келаси йили Хитойнинг Нанкинг шаҳрида бўлиб ўтадиган 2-Олимпия ўйнларига янги номзодлар ҳам сараланмоқда. Турнирда республикамиздан икки юздан зиёд спортчи йигирима вазн тоғасида куч синашади. Спортчиларимиз орасида Нигора Турсункулова, Диңора Мамадибрагимова, Умида Абдуллаева, Ниёз Пўлатов, Мехроҳ Жабборов, Валентин Хегай, Фанижон Хурилбоев ва Руслан Шин каби нуфузли мусобақалар голиблари ҳам бор.

**Жавоҳир КАРОМАТОВ,**  
«Turkiston» мухбири

Bilasizmi?

Бир эмас, бир неча фан ва соҳани мукаммал билган, илмий тадқиқотлар олиб борган кишиларни қомусий олим, дея улуғлаймиз. Ана шундай қомусий олимлардан бири юртдошимиз Махмуд Чагминийдир.

Бу зот XII – XIII асрларда Хоразмда яшаб (манбаларда унинг Кўхна Урганч яқинидаги Чагмин деган жойда түғилгани айтилади) фаолият олиб борган. Хоразмлик бу буюк олим математика, геометрия, астрономия, тиббиёт ва география соҳаларининг етук билимдони бўлган. «Тўққиз сонининг риёзиётдаги ўрни ҳақида рисола», «Меросни бўлиш масалаларида риёзиёт усулларига шарҳ» сингари қўплаб асарлар битиб қолдирган.

## ДУНЁ БЎЙЛАБ БИРИНЧИ САЁХАТ

Илк бор дунё бўйлаб саёҳатга чиқкан, барча океанларни сузуб ўтган олим кимлигини биласизми? У Фернан Магелландир. Унинг экспедицияси бу ишни 1519 – 1523 йилларда амалга оширган.

## YON DAFTARCHANGIZGA

Отга айил ботганин  
Эгар билмас, от билар.  
Оға-инининг озганин,  
Ўзлари эмас, ёт билар.

## Ўзбек ҳалқ мақоли